

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 11 » ИЮНЬ 2019 г. № 480

Toshkent sh.

**“Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонаси
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 14 январдаги ПФ–5629-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 14 январдаги ПФ–5629-сон Фармонига мувофиқ “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда “Андижон-фарм” ЭИЗ деб аталади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бошқарув ходимлари сони 5 нафардан иборат бўлган “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар:

“Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонаси таркибига кирувчи худудлар 1-иловага мувофиқ;

“Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонасининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

“Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонасининг устави 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан:

Дирекцияга, келгуси йилларда ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш шarti билан 2019-2021 йиллар даврида саклаш харажатлари учун асосланган хисоб-китоблар бўйича зарур маблағ ажратилишини;

Дирекциянинг устав фондини шакллантиришга 300 млн сўм миқдоридан маблағ ажратилишини таъминласин.

5. “Андижон-фарм” ЭИЗ учун ажратилган ер майдонининг кишлок хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрни тегишли худудда қурилиш ишлари тугаллангандан сўнг лойиҳа

ташаббускорлари томонидан, истисно тариқасида, икки йил давомида қопланишига рухсат берилсин.

6. Андижон вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда:

Дирекция Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Абдурауф Фитрат кўчаси, 239-уй манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилишини ва кейинчалик Дирекция учун замонавий маъмурий бино қурилишини;

Дирекцияни малакали мутахассислар билан таъминлашни, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги илғор тажрибаси асосида мутахассислар малакаси мунтазам равишда ошириб борилишини ҳамда Дирекцияга зарур инвентарь, моддий-техника ҳамда самарали фаолият олиб бориш учун талаб этиладиган воситаларни харид қилиш ва сақлаш учун маблағ ажратилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ганиев ва Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил "II" _____ ИЮН даги
480-сон қарорига
1-илова

**“Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонаси
таркибига кирувчи ҳудудлар**

1-бошланғич нукта Андижон тумани Хортум қишлоғи Жевачи маҳалласи йўлидан шарқий томонга аҳоли уйларининг бошланишигача 420 метр масофада 2-нуктагача давом этади.

2-нуктадан аҳоли уйлари бўйлаб 280 метр шарқий-жанубий йўналишда аҳоли уйининг чегарасигача 3-нуктагача давом этади.

3-нуктадан аҳоли уйлари бўйлаб шарқий-жанубий йўналишда 430 метр масофада дала йўлигача 4-нуктагача давом этади.

4-нуктадан аҳоли уйлари бўйлаб бурилишлар ҳосил қилиб, жанубий-ғарбий йўналишда 1045 метр масофада зах қочириш зовургача бўлган 5-нуктагача давом этади.

5-нуктадан чегара зах қочириш зовуридан шимолий-ғарбий йўналишда дала йўли бўйлаб 260 метр масофада дала йўли кесишмасигача бўлган масофада 6-нуктагача давом этади.

6-нуктадан дала йўли бўйлаб шимолий-шарқий йўналишда Андижон тумани Хортум қишлоғи Жевачи маҳалласининг йўлигача 1-нукта билан кесишиб яқунланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “~~11~~” _____ ~~июн~~ даги
~~480~~ сон қарорига
2-илова

**“Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”
давлат унитар корхонасининг
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий сони – 5 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “II” _____ июндаги
480-сон қарорига
3-илова

**“Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”
давлат унитар корхонасининг
устави**

1-боб. Умумий қондалар

1. “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) оператив бошқарув учун ўзига берилган давлат мулки негизида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади, у ўзига бириктирилган мулкка нисбатан қонунчиликда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдор (ёки унинг топшириғига биноан унинг томонидан масъул этиб тайинланган давлат органи – муассис) топшириқларига мувофиқ эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Уставга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан, валюта ҳисоб рақамларига, эмблемага, нтамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Дирекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – “Andijon-farm” erkin iqtisodiy zona direktsiyasi” davlat unitar korxonasi;

қисқартирилган номи – “Andijon-farm” EIZ direktsiyasi” DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Государственное унитарное предприятие «Дирекция свободной экономической зоны «Андижон-фарм»;

қисқартирилган номи — ГУП «Дирекция СЭЗ «Андижон-фарм»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – “Directorate of free economic zone “Andijon-farm” State Unitary Company;

кискартирилган номи – “Directorate of FEZ “Andijon” SUC.

5. Дирекциянинг жойлашган жойи (почта манзили): Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Абдурауф Фитрат кўчаси, 239-уй.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси (кейинги ўринларда Муассис деб аталади) ҳисобланади.

7. Дирекция ўз номидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

8. Дирекция Муассиснинг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда қатнашичи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

9. Дирекция бошқа давлат корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Дирекция фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари

10. “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда “Андижон-фарм” ЭИЗ деб аталади) ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, шунингдек, “Андижон-фарм” ЭИЗ ҳудудида алоҳида ҳуқуқий режимга риоя этилишини таъминлаш йўли билан оператив бошқариш, “Андижон-фарм” ЭИЗ қатнашчиларига хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ишлар (хизматлар)ни бажаришдан (кўрсатишдан) фойда олиш Дирекция фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

11. Қуйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

Андижон вилояти эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) қабул қилинган қарорларига мувофиқ “Андижон-фарм” ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, уларнинг реестрини юритиш;

Маъмурий кенгаш қарорларига мувофиқ инвесторлар билан “Андижон-фарм” ЭИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисида битимлар, давлат мулкани “нол”га тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида “Андижон-фарм” ЭИЗ қатнашчилари билан шартномалар тузиш;

“Андижон-фарм” ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни қидириш ва жалб этиш;

ишлаб чиқилган “Андижон-фарм” ЭИЗ бош режаси ва Маъмурий кенгаш қарори билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш;

“ягона дарча” тамойили асосида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун зарур бўлган барча рухсатномалар берилишини ташкил этиш;

белгиланган тартибда танлаб олинган инвесторлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг зарур тарзда бажарилишини тизимли назорат қилиш, кейинчалик натижаларни Маъмурий кенгашга тақдим этиш;

“Андижон-фарм” ЭИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектларини ўзига берилган ваколатлар доирасида бошқариш;

“Андижон-фарм” ЭИЗ ҳудудидаги лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш ва ташкилотларнинг доимий фаолият юритишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда “Андижон-фарм” ЭИЗ катнашчиларига кўмаклашиш;

“Андижон-фарм” ЭИЗни ривожлантириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш;

экологик ҳолатнинг яхшиланиши юзасидан назоратни таъминлаш, шунингдек, “Андижон-фарм” ЭИЗ ҳудудида жойлашган тарихий-маданий бойликларнинг бут сакланиши учун жавоб бериш;

“Андижон-фарм” ЭИЗ фаолиятини бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга ошириш.

Қонун ҳужжатларида ушбу Уставда назарда тутилган тегишли фаолият турининг лицензияланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, Дирекция фаолиятнинг ушбу турини лицензия олмасдан, тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида амалга оширишга ҳақлидир.

12. Дирекция фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Дирекция фаолиятини бошқариш

13. Дирекция Муассисга ва Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

14. Муассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекция фаолиятининг мақсади ва йўналишларини белгилаш;

Дирекция Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Дирекциянинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва тасарруф этиш;

Дирекцияга берилган мулкдан фойдаланишдан олинган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Дирекция мулки билан амалга оширилган битимларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш ва Дирекцияга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва оралиқ, тугатиш балансини тасдиқлаш;

меҳнатга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш;

меҳнатга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш.

15. “Андижон-фарм” ЭИЗ мустақил бюджети ва “Андижон-фарм” ЭИЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Маъмурий кенгаш томонидан амалга оширилади.

16. Дирекциянинг жорий фаолиятига раҳбарликни Маъмурий кенгаш томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Директор амалга оширади.

17. Директор ижро этувчи орган ҳисобланади.

18. Директор:

қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Дирекция ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга риоя қилинишини таъминлашга доир тадбирларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

“Андижон-фарм” ЭИЗни ривожлантириш дастурларининг амалга оширилишини ташкил қилади;

Дирекциянинг асосий фаолиятини такомиллаштириш, бошқаришнинг энг замонавий усулларини жорий этиш чора-тадбирларини амалга оширади;

Дирекция номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, барча ташкилотларда, шу жумладан, хорижий ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини (контрактларни) тузади, ўзгартиради ва уларнинг амал қилишини тўхтатади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини амалга оширади;

Дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Дирекциянинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;

Дирекцияга юкланган мақсадлар ва вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

19. Директор:

Муассисга Дирекция фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради;

Ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Дирекция манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиши лозим ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи барча талабларнинг ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ эҳтиёжларга маблағлар ўтказилмаганлиги учун, Дирекциянинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан, шу жумладан, Дирекцияга берилган давлат мол-мулки йўқолган тақдирда, етказилган зарар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради;

“Андижон-фарм” ЭИЗнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган мустақил бюджет маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига “Андижон-фарм” ЭИЗнинг мустақил бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни келишиш учун белгиланган тартибда тақдим этади.

20. Директор ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек, Дирекцияга берилган давлат мулкнинг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

4-боб. Дирекциянинг устав фонди

21. Дирекциянинг устав фонди “Андижон-фарм” ЭИЗ фаолиятини оператив бошқаришни амалга ошириш учун Муассис томонидан ўзига берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активлар йиғиндисидан иборат бўлади.

22. Дирекция устав фондининг миқдори 300 млн сўмни ташкил қилади.

5-боб. Дирекциянинг устав фондиди кўпайтириш ва камайтириш тартиби

23. Дирекциянинг устав фондиди кўпайтириш ёки камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Муассис қарорига биноан амалга оширилади.

6-боб. Дирекция мулкни тасарруф этиш

24. Муассис томонидан Дирекцияга оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мол-мулкни ташкил қилади.

25. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмади ва улушлар (ҳиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

26. Маъмурий кенгаш Дирекцияга берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг сақланишини, шунингдек, ўзгага берилишини Муассис номидан назорат қилади.

27. Директор Муассис билан келишган ҳолда Дирекция мулкини қуйидагича тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга бериш;

мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятининг устав фондига улуш сифатида киритиш;

бошқа хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш ва сотиш;

мол-мулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқача тарзда тасарруф этиш.

7-боб. Дирекция бюджетини шакллантириш

28. Қуйидагилар Дирекция фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

давлат мулки бўлган ва “Андижон-фарм” ЭИЗ ҳудудида жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган даромадларнинг бир қисми;

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

ЭИЗ қатнашчиларининг ажратмалари ва ЭИЗ қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтиш учун тўловлар;

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларидаги маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

8-боб. Захира фондини ва бошқа фондларни шакллантириш тартиби

29. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек, бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва уларни шакллантириш тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

9-боб. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

30. Дирекциянинг соф фойдаси Дирекция тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига биноан фойдаланилади.

31. Муассис ўз қарори билан бошқа юридик ва жисмоний шахсларга хайрия мақсадлари учун йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини Директорга берган ҳолда белгилайди.

32. Дирекциянинг хўжалик фаолияти натижасида кўрилган зарарларини қоплаш ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

10-боб. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби

33. Дирекция ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молия ҳисоботини ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

34. Дирекциянинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолиятини назорат қилиш Маъмурий кенгаш томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

35. Директор ҳар чорақда Дирекция фаолиятининг натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

11-боб. Дирекциянинг жавобгарлиги

36. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликни амалга оширади.

37. Дирекция Муассис мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

12-боб. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш

38. Дирекция Муассиснинг қарорига кўра, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёхуд қайта ташкил этилиши мумкин.

39. Дирекцияни тугатиш Дирекция фаолиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда тўхтатилишига сабаб бўлади.

Дирекция қайта ташкил этилган тақдирда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтади.

